

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ОБ ОПРЕДЕЛЕНИИ ПОРЯДКА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОГО НАЗНАЧЕНИЯ ЗЕМЕЛЬНО-
КАДАСТРОВОЙ ИНФОРМАЦИИ РАЗМЕЩЕНИЕ НА ОФИЦИАЛЬНЫХ
ВЕБ-САЙТАХ МИНИСТЕРСТВ И ВЕДОМСТВ И ОРГАНОВ
ГОСУДАРСТВЕННОЙ ВЛАСТИ НА МЕСТАХ

г. Ташкент,

17 июля 2019 г.,

№ 599

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ЕР КАДАСТРИГА
ДОИР АХБОРОТНИ ВАЗИРЛИКЛАР ВА ИДОРАЛАРНИНГ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ РАСМИЙ ВЕБ-САЙТЛАРИГА
ЖОЙЛАШТИРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИНИ БЕЛГИЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер кадастрига доир ахборотдан эркин фойдаланишнинг замонавий ва шаффоф механизмини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер кадастрига доир ахборотни вазирликлар ва идораларнинг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2019 йил 1 августдан бошлаб жойларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер кадастрига доир ахборотни вазирликлар ва идораларнинг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида жойлаштиришни ҳамда ушбу қарор талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси А.Х. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 июль,
599-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июлдаги 599-сон қарорига
ИЛОВА

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер кадастрига доир ахборотни вазирликлар ва идораларнинг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер кадастрига доир ахборотни вазирликлар ва идораларнинг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларириш шаффоф механизмини яратиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, хуқукий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;

жисмоний ва юридик шахсларга вақтинча тарқатилмасдан турган ерлар — қишлоқ хўжалиги мақсадига мўлжалланган, фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги ташкилотлари ҳамда бошқа юридик шахсларга вақтинча тарқатилмаган (захира ерлар) сугориладиган ёки лалмикор экин ерлар, боғзорлар, токзорлар, тутзорлар ва бошқа кўп йиллик мевали дараҳтзорлар, бўз ерлар, пичанзорлар, яйловлар эгаллаган ерлар;

сугориладиган ерлар — қишлоқ хўжалигига фойдаланиш ва сугориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни сугоришни таъминлай оладиган сугориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат сугориш тармоғига эга бўлган ерлар;

тупрок бонитировкаси — қишлоқ хўжалиги экинларининг ўртача агротехника даражасида тупроқнинг сифатини ва табиий ишлаб чиқариш унумдорлигини 100 баллик шкала бўйича қиёсий баҳолаш;

ягона электрон ахборот маркази agroonline.uz дастури (agroonline.uz дастури) — Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 10 авгуstdаги 645-сон карори билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида ташкил этилган юридик шахс мақомига эга бўлмаган ягона электрон ахборот марказининг agroonline.uz дастури;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — қишлоқ хўжалиги эҳтиёjlари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар сугориладиган ва сугорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, бўз ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дараҳтлар ва токзорлар эгаллаган ерларга бўлинади;

қишлоқ хўжалиги ташкилотлари — қишлоқ хўжалигини юритиш учун белгилangan тартибда ажратилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликлари ҳамда бошқа субъектлар.

3. Ер кадастрига доир ахборот Ўзбекистон Республикасининг давлат ахборот ресурси ҳисобланади ва ундан тегишли вазирликлар ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар фойдаланиши учун мўлжалланади.

4. Ер кадастрига доир ахборотлар ўзининг шаклига кўра куйидаги турларга бўлинади:

фойдаланиши чекланган ер кадастрига доир ахборот;

очик ер кадастрига доир ахборот.

5. Фойдаланиши чекланган ер кадастрига доир ахборотга қишлоқ хўжалигини юритиш учун белгиланган тартибда қишлоқ хўжалиги ташкилотларига ажратилган ер участкасига оид ахборот киради ва ушбу ахборотдан ваколатли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар фойдаланадилар.

6. Очиқ ер кадастрига доир ахборотга бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ташкилотларига белгиланган тартибда вақтинча тарқатилмасдан турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тўғрисидаги ахборот киради ва ушбу ахборотдан ваколатли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳамда барча юридик ва жисмоний шахслар фойдаланадилар.

2-боб. Ер кадастрига доир ахборотни шакллантириш ва янгила бориш

7. Қуйидагилар ер кадастрига доир ахборот шакллантирилиши учун масъул хисобланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари (кейинги ўринларда «Давергеодезкадастр» қўмитаси органлари деб аталади);

б) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туманлар (Кувасой шаҳар) ирригация бўлимлари (кейинги ўринларда Сув хўжалиги органлари деб аталади);

в) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари, туманлар (Кувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари (кейинги ўринларда Қишлоқ хўжалиги органлари деб аталади);

г) Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари, туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари (кейинги ўринларда фермерлар кенгашлари деб аталади).

8. Ер кадастрига доир ахборотни agroonline.uz дастури бўйича шакллантириш, янгила бориш ва ундан фойдаланиш ушбу Низомга [иловада](#) келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

9. Ер кадастрига доир ахборотда қўйидаги маълумотлар акс эттирилади:

а) «Давергеодезкадастр» қўмитаси органлари томонидан:

ер участкасининг ердан фойдаланувчилари бўйича номи, хўжалик ва хуқуқий режими, жойлашган жойи (манзили), чегараси, контур рақами, майдони, ер тоифалари ва турлари;

тупроқнинг унумдорлиги (балл бонитети), сифат хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар;

б) сув хўжалиги органлари томонидан:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг сув билан таъминланганлик даражаси, шу жумладан, уларнинг манбаи, йил мавсумлари бўйича сув билан таъминланиш кўрсаткичлари;

сугориш учун сув чиқариш усувлари (оқар сув ёки насос орқали етказиб бериш усули), илғор ва замонавий технологиялар, шунингдек, томчилатиб сугоришнинг жорий қилингандиги;

тупрокнинг мелиоратив ҳолати, ер ости сувларининг сатхи ва таркиби, коллектор-дренаж тармоқларининг ҳолати;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шўрланганлик даражасини пасайтириш бўйича жорий йил ва келажакка мўлжалланган Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар;

суғориш тармоқлари ва иншоотларини, насос станцияларини капитал ва жорий таъмирлаш дастурлари;

в) қишлоқ хўжалиги органлари томонидан:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга экилиши белгиланган (экинларни жойлаштириш режаси, жумладан, асосий, такрорий, оралиқ ва қатор ораси) қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари бўйича, шу жумладан, уруғлик экинлари турлари;

мавжуд боғлар, токзор, тутзорлар ва бошқа мевали дараҳтзорларнинг ҳолати (интенсив усулда экилган боғлар, токзорлар ва тутзорлар);

мавжуд чорва моллари ва паррандалар тўғрисидаги маълумотлар (тури, бош сони, йўналиши ва ихтисослашуви), шунингдек, балиқчилик ва асаларичилик тўғрисидаги маълумотлар;

вақтинча тарқатилмасдан турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш бўйича имкониятлар (қайси йўналишдаги қишлоқ хўжалиги ташкилотларини ташкил этиш таклифи) тўғрисидаги маълумотлар;

г) фермерлар кенгаши томонидан:

фермер хўжаликлари йўналиши (ихтисослиги), шу жумладан, кўп тармоқли фермер хўжаликлари;

фаолият юритаётган, шу жумладан, заар билин фаолият юритаётган паст рентабелли ҳамда ўз фаолиятида замонавий техника ва технологиялардан кенг фойдаланиб юқори рентабеллик даражасига эришган фермер хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар.

10. Ер кадастрига доир ахборот ягона электрон ахборот марказининг agroonline.uz дастурига доимий равишда киритилиб ва янгиланиб борилади.

11. Тақдим этилган ер кадастрига доир ахборот ягона электрон ахборот маркази томонидан умумлаштирилган ҳолда уч иш куни мобайнида вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар) ҳокимликларининг расмий веб-сайтига киритиш учун электрон шаклда тақдим этиб борилади.

12. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман (шаҳар) лар ҳокимликларига ахборотлар ягона электрон ахборот марказидан ер кадастрига доир янги ахборот тушганидан сўнг уч иш куни давомида ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилишини таъминлайдилар.

Бунда:

ер кадастрига доир ахборотдан ушбу Низомга [иловада](#) келтириб ўтилган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан фойдаланиш;

очик ер кадастрига доир ахборотдан барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланиш имконияти яратилади.

13. Давлат сири ҳисобланган ер кадастрига доир ахборотни шакллантиришда «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси [Конунида](#) ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилиниши шарт, бунда:

ахборот махфийлик даражаси бўйича шакллантирилган, ер кадастрига доир очик ахборотдан фойдаланиш юқори даражада енгиллаштирилган бўлиши;

ахборот тўлиқ ва ишончли тайёрланиши, ер участкасининг ҳозирги ҳолати акс эттирилиши, ахборот манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг эҳтиёжларига мос бўлиши керак.

3-боб. Ер кадастрига доир ахборотдан вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ҳамда манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланиш шартлари

14. Ер кадастрига доир ахборотдан қўйидаги мақсадларда фойдаланилади:

а) ушбу Низомга илловада келтириб ўтилган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали ва оқилона фойдаланишини ташкил этишда, қишлоқ хўжалигидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича дастурлар, чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқишида, қишлоқ хўжалигига илғор агротехнологияларни, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий қилишда;

қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштиришда, ер хисоботини ва давлат кадастрлари ягона тизимини шакллантиришда, қишлоқ хўжалик экинлари ва мевазорлар майдонларида кўчатларнинг тўлиқ экилиши мониторингни олиб боришида, қишлоқ хўжалик экин майдонларида агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этишда, парваришланаётган қишлоқ хўжалиги экинлари ва мевазорлардан дастлабки кутилаётган ҳосилни чамалашда, ерлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилишда, хўжалик фаoliятига баҳо беришида, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таҳлил қилишда;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланишини ташкил этишда, қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришида сувни тежайдиган замонавий илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат, тармоқ ва минтақавий дастурларни ишлаб чиқишида;

вақтинча тарқатилмасдан турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муомалага киритиш, ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва ушбу ерлар қишлоқ хўжалиги ташкилотларига белгиланган тартибда берилишини ташкил этишда.

б) вақтинча тарқатилмасдан турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан:

ерлардан фойдаланиш бўйича имкониятларни ўрганиш, ушбу ерларда пахтагаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва бошқа йўналишдаги қишлоқ хўжалиги ташкилотларини ташкил этиш бўйича;

ер участкасининг жойлашган жойи, унга олиб келадиган йўллар, ер турлари (сугориладиган, лалмикор ерлар, ҳайдаладиган ерлар, бўз ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар) майдони тўғрисидаги;

тупроқнинг унумдорлиги (балл бонитет) ва шўрланганлиги, сув билан таъминланганлик даражаси, шу жумладан, унинг манбаи, йил мавсумлари бўйича сув билан таъминланиш кўрсаткичлари, сугориш учун сув чиқариш усууллари (оқар сув ёки насос усули), тупроқнинг мелиоратив ҳолати, ер ости сувларининг сатҳи ва таркиби, коллектор-дренаж тармоқларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни олишда.

4-боб. Якунловчи қоида

15. Ушбу Низом талаблари бузилганлигида айбор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ер кадастрига доир ахборотни вазирликлар ва идораларнинг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимиияти органларининг расмий веб-сайтларига

жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги [низомга](#)
ИЛОВА

Ер кадастрига доир ахборотни шакллантириш, янгилааб бориш ва фойдаланиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
I. Ер кадастрига оид ахборотни agroonline.uz дастури орқали шакллантириш ва янгилааб бориш			
1-босқич	<p>Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари, туманлар (Кувасой шаҳар) ирригация бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон</p>	<p>ер участкасининг ердан фойдаланувчилари бўйича номи, хўжалик ва ҳуқуқий режими, жойлашган жойи (манзили), чегараси, контур рақами, майдони, ер тоифалари ва турлари; тупроқнинг унумдорлиги (балл бонитети), сифат хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг сув билан таъминланганлик даражаси, шу жумладан, уларнинг манбаи, йил мавсумлари бўйича сув билан таъминланиш кўрсаткичлари; сугориш учун сув чиқариш усуллари (оқар сув ёки насос орқали етказиб бериш усули), илғор ва замонавий технологиялар, шунингдек,</p>	Доимий ҳар чоракда биринчи ойнинг 5 санасига янгилааб борилади

Республикаси
Қишлоқ
хўжалиги
вазирлиги,
вилоятлар
қишлоқ
хўжалиги
бошқармалари,
туманлар
(Қувасой шаҳри)
қишлоқ
хўжалиги
бўлимлари,
Ўзбекистон
фермер, дехқон
хўжаликлари ва
томурқа ер
эгалари кенгаши,
Қорақалпоғистон
Республикаси ва
вилоятлар
фермер, дехқон
хўжаликлари ва
томурқа ер
эгалари
кенгашлари,
туманлар
фермер, дехқон
хўжаликлари ва
томурқа ер
эгалари
кенгашлари


томчилатиб
суғоришнинг жорий
қилинганлиги;
тупроқларнинг
мелиоратив ҳолати,
ер ости
сувларининг сатхи
ва таркиби,
коллектор-дренаж
тармоқларининг
ҳолати;
суғориладиган
ерларнинг
мелиоратив
ҳолатини яхшилаш
ва шўрланганлик
даражасини
пасайтириш бўйича
жорий йил ва
келажакка
мўлжалланган
Давлат дастурига
киритилган
тадбирлар
тўғрисидаги
маълумотлар;
суғориш
тармоқлари ва
иншоатларини,
насос
станцияларини
капитал ва жорий
таъмирлаш
дастурлари.
қишлоқ
хўжалигига
мўлжалланган
ерларга экилиши
белгиланган
(экинларни
жойлаштириш
режаси, жумладан,
асосий, такрорий,
оралиқ ва қатор
ораси) қишлоқ
хўжалиги

экинларининг турлари бўйича, шу жумладан, уруғлик экинлари турлари; мавжуд боғлар, токзорлар, тутзорлар ва бошқа мевали дараҳтзорларнинг ҳолати (интенсив усуlda экилган боғлар, токзорлар ва тутзорлар); мавжуд чорва моллари ва паррандалар тўғрисидаги маълумотлар (тури, бош сони, йўналиши ва ихтисослашуви), шунингдек, балиқчилик ва асаларичилик тўғрисидаги маълумотлар; вақтинча тарқатилмасдан турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш бўйича имкониятлар (қайси йўналишдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлар ва муассасалар ташкил этиш таклифи) тўғрисидаги маълумотлар; фермер хўжаликлари йўналиши (ихтисослиги), шу

		<p>жумладан, кўп тармоқли фермер хўжаликлари; фаолият юритаётган, шу жумладан, заар билинг фаолият юритаётган паст рентабелли ҳамда ўз фаолиятида замонавий техника ва технологиялардан кенг фойдаланиб юқори рентабеллик даражасига эришган фермер хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар.</p>	
2-босқич	<p>Кишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари хузурида ташкил этилган юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ягона электрон ахборот маркази</p>	<p>Ер кадастрига доир ахборотни умумлаштиради ва вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларига электрон шаклда тақдим этиб боради.</p>	<p>Хар чоракда биринчи ойнинг 5-кунигача янгилаб борилади</p>
3-босқич	<p>Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари расмий веб-сайтлари</p>	<p>Ер кадастрига доир ахборот тушганидан сўнг ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштиради, бунда: фойдаланиши чекланган ер кадастрига доир ахборот, очиқ ер кадастрига доир</p>	<p>З иш қуни мобайнида</p>

ахборотдан
вазирликлар,
идоралар ва
ташкилотларнинг,
шунингдек, очиқ ер
кадастрига доир
ахборотдан барча
юридик ва
жисмоний
шахсларнинг
фойдаланиши
имкониятини
яратади.

II. Ер кадастрига доир ахборотдан фойдалан



(Конун хүжжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.07.2019 й., 09/19/599/3444-сон)